

## КУЧЛИ ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ЁКИ ЗАҲАРЛИ МОДДАЛАРНИ ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА МУОМАЛАГА КИРИТГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАНИШИНИНГ РЕТРОСПЕКТИВ ТАҲЛИЛИ

Хайдаров Мирсаид Мирджаббарович

Ички ишлар вазирлиги Академияси мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6983288>

**Аннотация.** Мақолада кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритганлик учун жавобгарлик белгиланиши ва такомиллаштириб борилиши таҳлил қилинган.

**Калим сўзлар:** кучли таъсир қилувчи модда, заҳарли модда, ноқонуний муомала, шарият, Ясо қонунлари, Темури тузуқлари, жиноий жавобгарлик белгиланиши тарихи.

## РЕТРОСПЕКТИВНЫЙ АНАЛИЗ УСТАНОВЛЕНИЯ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЗА НЕЗАКОННЫЙ ОБОРОТ СИЛЬНОДЕЙСТВУЮЩИХ ИЛИ ЯДОВИТЫХ ВЕЩЕСТВ

**Аннотация.** В статье анализируется установление и совершенствование ответственности за незаконный оборот сильнодействующих или ядовитых веществ.

**Ключевые слова:** сильнодействующее вещество, ядовитое вещество, незаконный оборот, шарият, законы Яса, уложение Темура, история установления уголовной ответственности.

## RETROPECTIVE ANALYSIS OF THE ESTABLISHMENT OF LIABILITY FOR ILLEGAL TRAFFICKING OF HARD OR TOXIC SUBSTANCES

**Abstract.** The article analyzes establishment and improvement of liability for illegal circulation of potent or poisonous substances.

**Keywords:** potent substance, poisonous substance, illicit trafficking, sharia, Yas laws, Temur's code, history of establishing criminal liability.

## КИРИШ

Бугунги кунда инсониятга хавф солиб турган трансмиллий жиноятчиликнинг энг хавфли учта тури мавжуд бўлиб, улар терроризм, одам савдоси ва гиёҳвандлик воситалари айланмаси (наркобизнес) ҳисобланади. Шу билан бирга, ҳозирда кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларнинг ноқонуний муомаласи ҳам глобал миқёсда хавфли тус олмоқда. Бу эса ўз навбатида мазкур жиноят учун жавобгарлик белгиланган нормаларни такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Таъкидлаш жоизки, бирор-бир нормани такомиллаштириш истиқболларини белгилаш учун унинг ривожланиш босқичларини ўрганиш лозим. Бу эса норманинг ретроспектив таҳлили бўлиб, унинг қандай пайдо бўлганлиги, босқичлари ва бугунги ҳолатини ўрганишни ўз ичига олади.

## ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларнинг ноқонуний муомаласининг тақиқланиши узоқ тарихга бориб тақалади. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, зардуштийлик динининг муқаддас китоби ҳисобланган “Авесто”да инсонни маст қилувчи ёки наркотик хусусиятга эга бўлган моддалар истеъмоли тақиқланган. Бу даврларда инсонни маст қилувчи ичимлик “хаом” деб номланиб, баъзида уни ичириш орқали ёмон ишлар билан юрган бузғунчиларнинг афт-ангорини, дилидаги нопокликни фош этиш

мумкин, деб ҳисоблаганлар. Шунингдек, жазо синовлари тариқасида “хаом” ичимлигини ичириб (маст қиладиган даражада эмас) синаш каби усул ҳам мавжуд бўлган [1].

Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддалар истеъмоли ва муомаласи Ислом динида ҳам тақиқланган. Хусусан, бу каби тақиқлар Ислом динининг муқаддас китоби бўлмиш Қуръони Каримда келтирилган. Унга кўра, инсон ақли, қалби ва баданига зарарли бўлган нарсалар ҳаром қилинган.

Хусусан, Моида сурасининг тўртинчи оятида Аллоҳ таоло айтади: “(Эй Муҳаммад), Сиздан ўзлари учун нималар ҳалол қилинганини сўрайдилар. Айтинг: “Сизлар учун (барча) покиза нарсалар ҳалол қилинди”.

Аъроф сурасида Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг пайғамбарлик сифатлари келтирила туриб, шундан дейилади: “У (пайғамбар) уларни яхшиликка буюради, ёмонликдан қайтаради ва пок нарсаларни ҳалол қилиб, нопок нарсаларни уларга ҳаром қиладиди” (Аъроф сураси 157 оят).

Ушбу икки оятда Аллоҳ таоло бандаларига фақат ва фақат пок нарсаларни ҳалол қилишини, ҳамр, гиёҳванд моддалар, тамаки, нос ва шунга ўхшаш ўзи нопок, ақл ва қалбга, баданга зарарли бўлган нарсаларни ҳаром қилишини таъкидламоқда.

Бақара сурасининг бир юз тўқсон бешинчи оятида Аллоҳ таоло айтади: “Ўзингизни ўз қўлингиз билан ҳалокатга ташламанг”.

Ибн Аббос розийаллоҳу анҳу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қиладиди: “(Исломда) ўзига ҳам, ўзгага ҳам зарар етказиш йўқ!” (Ибн Можа, Дарокутний ва Байҳақий “Сунанул кубро”да ривоят қилган).

Демак, мусулмон одам, аввало ўзига – иймонига, баданига, қалбига зарарли бўлган нарсалардан сақланиб юради [2].

Шу билан бирга, Ислом динида инсониятга талофат етказадиган нарсалар савдоси билан шуғулланиш, сотиш ва тарқатишнинг ҳукми уларни тановул қилишдан ҳам оғирроқдир. Аллоҳ таоло: “Мол-дунёларингизни ораларингизда ноҳақ — ҳаром йўллар билан емангиз!” (Бақара сураси, 188-оят) деб, инсонга зарар келтирадиган, исроф ва талофат етказадиган ҳаром бўлган ботил ишлар билан топилган молларни емасликни буюради. Бу билан ҳар қандай зарарли нарсаларни истеъмол қилиш бу ёқда турсин, улардан топилган маблағларнинг одамлар бир-бирлари билан баҳам кўришлари ҳам ҳаром ишлардан ҳисобланади [3].

### ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Ислом ҳукуқи бўйича тадқиқот олиб борган олим Л.Р. Сюкияйненнинг фикрича, жиноятлар асосан учта гуруҳга бўлинади. Хусусан:

1-гуруҳга Аллоҳ ва барча мусулмонларнинг ҳуқуқларига тажовуз қиладиган жиноятлар – “худуд”;

2-гуруҳга алоҳида шахсларнинг ҳуқуқларини бузадиган жиноятлар – “қасос”;

3-гуруҳга бошқа жиноятлар – “таъзир” киритилган [4].

Гарчи, тадқиқ қилинаётган нормада назарда тутилган жиноят бирор бир жиноятлар тоифасига киритилмаган бўлса-да, “худуд” жиноятлари тоифасида маст қилувчи ичимликларни истеъмол қилиш назарда тутилган.

Шу билан бирга, маст қилувчи ичимликларни ичганлик учун Қуръони Каримда бирор бир жазо кўрсатилмаган. Бирок, пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) суннатлари

билан ўрнатилган қоидаларга кўра, бундай қилмиш учун айбдор шахслар пальма дарахти шохлари билан 40 дарра уриб, жазоланган [5].

Мўғуллар ҳукмдори Чингизхоннинг Ясо қонунлари ва Биликларидида кучли таъсир ёки заҳарли моддаларнинг муомаласи ҳақида сўз юритилмаган. Бироқ, Биликларда шароб ҳақида тўхтатилиб ўтилиб, уларни ичган одамда ақл, шижоат ва яхши фазилатлар бўлмаслиги, умрини азобда ўтказиши, маст қилувчи ичимлик юрак ва онгни заиф қилиши баён қилинган.

Бундан ташқари, бир ойда уч марта маст қилувчи ичимликни ичиш жазоланадиган қилмиш сифатида баҳоланган, бир ойда икки марта ичиш эса яхши, бир ойда бир мартаба ичиш мақтовга сазовор, умуман ичмаслик эса ҳар қандай ҳурматга лойиқ деб ҳисобланган [6].

Милодий XIV асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилган буюк саркарда Амир Темур ўз давлатини ислом дини, тўра ва тузукка асосланган ҳолда бошқарган. Хусусан, “Амир Темур тузуклари”да: “Ўз тажрибамда кўриб билдимки, давлат агар дину тартиб асосида қурилмас, тўра-тузукка боғланмас экан, ундай салтанатнинг шукуҳи, қудрати ва тартиби йўқолади. Бундай салтанат яланғоч одамга ўхшайдирким, кўрган ҳар кимса (ундан) нигоҳини олиб қочади. Ёхуд ҳар хил қаланғи-қасанғи одамлар тап тортмай кириб чиқадиган томсиз, эшиги-тўсиғи йўқ уйга ўхшайди.

Шунинг учун ҳам мен салтанатим биносини ислом дини, тўра ва тузук асосида мустаҳкамладим. Салтанатни бошқаришимда учраган ҳар қандай воқеа ва ишни тўра ва тузук асосида адо этдим”, деб таъкидланган.

Шу билан бирга, “Амир Темур тузуклари”да: “Агар кимда-ким тиш синдирса, кўзни кўр қилса, кулоқ ва бурун кесса, шароб ичса, зино ишлар қилса, девондаги шариат қозиси ёки ажрим чиқарувчи қозига олиб бориб топширсинлар. Шариатга оид ишларни ҳал этишда ислом қозиси ҳукм чиқарсин. Урф-одат ишларини эса ажрим қозиси тафтиш қилиб, сўнг менинг арзимга етказсин”, дейилган.

“Амир Темур тузуклари”ни ўрганиш давомида маълум бўлдики, унда кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларнинг ноқонуний муомаласи ҳақида сўз юритилмаган. Бироқ, шароб ичганлик учун шариат асосида чора кўрилган [7].

Марказий Осиё Чор Россияси томонидан босиб олинганга қадар минтақада мавжуд бўлган Бухоро амирлиги, Қўқон ва Хива хонликларида ҳам шариат қонунларига амал қилинган.

Кейинчалик Россия Империясининг 1903 йил 22 мартдаги Жиноят қонунининг [8]:

**195-моддасида** даволаш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлмаган ёки бундай ҳуқуқдан маҳрум қилинган шахс томонидан кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддалар билан даволаганлик учун;

**201-моддасида** мураккаб фармацевтик препаратларни тайёрлаш учун мўлжалланган аптека ёки фабрика, лаборатория ёки кимёвий заводнинг алоҳида бўлинмаси бошқарувчиси, хизматчиси, фармацевт, кимёгар ёки ўрганувчи томонидан кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни ишлаб чиқариш, сақлаш ёки фойдаланиш ёхуд таркибида бундай моддалар бўлган дори воситаларини тайёрлаш ёки бериш қоидаларини бажармаганлик учун;

**202-моддасида** эса 201-моддада назарда тутилган қилмишларни такроран содир этганлик, шунингдек, ушбу қилмишлар оғир оқибатларга олиб келганлиги учун;

**204-моддасида** кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни бунга ҳуқуқи бўлмаган шахс томонидан сотиш мақсадида сақлаш ёхуд сотиш, шунингдек, бунга ҳуқуқи бўлгани ҳолда белгиланган қоидаларни бузиб, мазкур ҳаракатларни содир этганлик учун;

**205-моддасида** кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни ўзида сақлаш ёки ишлаб чиқаришда фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс томонидан қонун ёки қарорларда белгиланган сақлаш ёхуд фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик назарда тутилди.

Россия Совет Федератив Социалистик Республикасининг 1919 йил 12 декабрдаги “РСФСР жиноят ҳуқуқи бўйича бошқарув асослари”да жиноят ҳуқуқининг фақатгина умумий қоидалари белгиланди [9].

Шундан сўнг, Россия Совет Федератив Социалистик Республикасининг 1922 йил 1 июнь куни қабул қилинган Жиноят кодексининг 215-моддасида кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларни бунга ҳуқуқи бўлмаган шахслар томонидан тайёрлаганлик учун жавобгарлик белгиланди.

Мазкур норманинг 1903 йилдаги жиноят қонунида кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларнинг ноқонуний муомаласи учун жавобгарлик назарда тутилган нормалардан қатор фарқли жиҳатлари бор эди. Хусусан, 1903 йилги жиноят қонунида:

- жиноят субъекти сифатида фақатгина махсус субъект;
- жиноят предмети сифатида нафақат кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддалар, балки, таркибида бундай моддалар бўлган дори воситалари (201-модда);
- объектив томон ҳаракатлари сифатида кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларни тайёрлашдан ташқари сотиш мақсадида сақлаш ёхуд сотиш, ишлаб чиқариш, сақлаш ёки фойдаланиш ёхуд таркибида бундай моддалар бўлган дори воситаларини тайёрлаш ёки бериш қоидаларини бажармаслик ҳам назарда тутилган эди.

Шу билан бирга, ҳар иккала жиноят қонунида ҳам бу турдаги моддаларни қонунга ҳилоф равишда муомалага киритганлик учун жавобгарлик назарда тутилмаган эди [10].

1922 йилдаги жиноят қонунига 1923 йил 10 июль куни киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга кўра, кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни бунга ҳуқуқи бўлмаган шахс томонидан сақлаш ёхуд ўтказганлик учун ҳам жавобгарлик белгиланди [11].

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг миллий-ҳудудий демаркацияси натижасида 1924 йил 27 октябрь куни Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ташкил этилиб, 1926 йил 16 июнь куни Ўзбекистон ССРнинг биринчи Жиноят кодекси қабул қилинди.

Мазкур Жиноят кодексининг “Халқ саломатлигини, жамоат хавфсизлигини ва оммавий тартибни сақлаш қоидаларини бузиш” деб номлаган саккизинчи бобининг 250-моддасида кучли таъсир қиладиган заҳарли моддаларни, унинг учун махсус рухсатсиз тайёрлаш, сақлаш, сотиб олиш ва сотиш ҳамда кучли таъсир қиладиган заҳарли моддаларни ишлаш, сақлаш, бериш, ҳисобга олиш ва ташиш юзасидан белгиланган қоидаларни бузганлик учун жавобгар белгиланди [12].

Ушбу норманинг 1922 йилдаги жиноят қонунидан асосий фарқи шунда эдики, жиноят объекти сифатида фақатгина кучли таъсир қиладиган заҳарли моддалар назарда тутилиб, кучли таъсир қилувчи моддаларнинг ўзи назарда тутилмаган эди.

Бундан ташқари, объектив томонидан ҳаракатлари кенгайтирилиб, бу турдаги моддаларни бунга ҳуқуқи бўлмаган шахс томонидан нафақат тайёрлаганлик, балки, сақлаш, сотиб олиш ва сотиш ҳамда уларни ишлаш, сақлаш, бериш, ҳисобга олиш ва ташиш қоидаларини бузиш ҳам назарда тутилди.

Шундан сўнг, 1959 йил 21 май куни Ўзбекистон ССРнинг иккинчи Жиноят кодекси қабул қилиниб, унинг 216-моддасида кучли таъсир қиладиган ва заҳарли моддаларни сотиш мақсадида ғайриқонуний тайёрлаш, сотиб олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш ёхуд сотиш учун жавобгарлик белгиланди.

Мазкур норма иккита мустақил таркибли жиноятни ўз ичига олиб, икки қисмдан иборат эди. Жумладан, модданинг биринчи қисмида наркотик модда ҳисобланмаган кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни сотиш мақсадида ғайриқонуний тайёрлаш, сотиб олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, шунингдек бундай моддаларни ғайриқонуний сотганлик учун, иккинчи қисмида эса шундай моддаларни ишлаб чиқариш, сотиб олиш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёки жўнатиш юзасидан белгиланган қоидаларни бузганлик учун жавобгарлик белгиланиб, 1926 йилдаги жиноят қонунига нисбатан анча такомиллаштирилди.

Хусусан, жиноят предмети сифатида ҳам кучли таъсир қилувчи, ҳам заҳарли моддалар назарда тутилиб, қоида тариқасида уларнинг наркотик модда ҳисобланмаслиги лозимлиги белгиланди.

Шунингдек, қилмишни квалификацияловчи белги сифатида норманинг 1-қисмида назарда тутилган ҳаракатлар сотиш мақсадида содир этилган бўлиши шартлиги назарда тутилди.

Бунда, объектив томонидан ҳаракатлари ҳам кенгайтирилиб, бундай моддаларни ғайриқонуний ташиш ёки жўнатиш, шунингдек, сотиш олиш ёхуд жўнатиш қоидаларини бузганлик учун ҳам жавобгарлик белгиланди.

Шу билан бирга, ушбу кодекснинг 216<sup>1</sup>-моддасида наркотик ҳисобланмаган кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни талон-торож қилганлик учун жавобгарлик назарда тутилиб, жиноятнинг оғирлаштирувчи таркиблари ҳамда жиноят предметининг зарурий миқдор кўрсаткичлари ҳам киритилди [13]. 1926 йилдаги жиноят қонунида бундан қилмишлар учун жавобгарлик белгиланмаган эди.

Бундан ташқари, 1959 йилги Жиноят кодексининг 216-моддасини ҳозирда амалда бўлган Жиноят кодексининг 251<sup>1</sup>-моддасидан бир қатор фарқли жиҳатлари бор эди. Хусусан, амалдаги Жиноят кодексининг 251<sup>1</sup>-моддасида:

– кучли таъсир қилувчи ёхуд заҳарли моддаларни ўтказиш мақсади мавжуд бўлиши лозимлиги белгиланган бўлса, 1959 йилги жиноят қонунида фақатгина сотиш мақсадининг мавжудлиги квалификацияловчи белги сифатида назарда тутилган эди;

– жиноятнинг объектив томони сифатида назарда тутилган қайта ишлаш, ўтказиш мақсадида тайёрлаш ёхуд қайта ишлаш учун асбоб-ускуналарни тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш, жўнатиш ёки ўтказиш ҳаракатлари учун 1959 йилги Жиноят кодексида жавобгарлик белгиланмаган эди;

– жиноятнинг оғирлаштирувчи таркиблари назарда тутилган бўлса, 1959 йилги Жиноят кодексида назарда тутилмаган эди;

– кучли таъсир қилувчи ёхуд заҳарли моддаларни ишлаб чиқариш, олиш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёхуд жўнатиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик

юзага келишининг асосий шарт сифатида оқибатнинг мавжуд бўлиши, яъни белгиланган қоидаларнинг бузилиши эҳтиётсизлик орқасида моддаларнинг ўғирланишига ёки бошқа тарзда жиддий зарар етказилишига олиб келган бўлиши шартлиги назарда тутилган бўлса, 1959 йилги жиноят қонунида оқибат талаб этилмай, жинойий жавобгарлик юзага келиши учун шундай моддаларни ишлаб чиқариш, сотиб олиш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёки жўнатиш юзасидан белгиланган қоидаларни бузишнинг ўзи кифоя қилиши белгиланган эди.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрь куни қабул қилинган Жиноят кодексида дастлаб кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларнинг ноқонуний муомаласига доир норма назарда тутилмади. Фақатгина бундай моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаганлик учун жавобгарлик белгиланди.

Кейинчалик, Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилнинг 27 августдаги ЎРҚ-671-П-сон Қонуни билан Жиноят кодекси кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи 251<sup>1</sup>-модда билан тўлдирилди [14].

Дастлаб мазкур нормада:

– гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни ўтказиш мақсадида қонунга хилоф равишда тайёрлаш, қайта ишлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёхуд жўнатиш шунингдек уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш;

– ушбу ҳаракатлар такроран ёки бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, шунингдек уюшган гуруҳ томонидан ёки кўп миқдорда содир этилиши;

– кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни ишлаб чиқариш, олиш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёхуд жўнатиш қоидаларни бузиш, агар бу эҳтиётсизлик орқасида уларнинг ўғирланишига ёки бошқа тарзда жиддий зарар етказилишига олиб келганлиги учун жавобгарлик назарда тутилди.

Кейинчалик кучли таъсир қилувчи моддалар айланишини тартибга солиш, аҳолининг соғлиғини сақлашни таъминлаш ва кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларнинг ноқонуний муомаласи учун жавобгарликни такомиллаштириш мақсадида жиноят қонунига бир нечта ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши натижасида тадқиқ қилинаётган норма бугунги кунда амалда бўлган таҳрирдаги ҳолатга келтирилди. Жумладан:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 10 августдаги ЎРҚ-389-сон Қонуни билан модданинг 1-қисми санкциясига бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш, 2-қисми санкциясига уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш, 4-қисми санкциясига эса икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш тариқасидаги жазо турлари қўшимча киритилди [15];

2. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 22 октябрдаги ЎРҚ-503-сон Қонуни билан модданинг биринчи қисми диспозицияси «Гиёвандлик воситалари» деган сўзлардан кейин «уларнинг аналоглари» деган сўзлар билан тўлдирилди [16];

3. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 3 декабрдаги ЎРҚ-586-сон Қонуни билан Жиноят кодекси махсус қисмининг моддалари матнидаги, жумладан 251<sup>1</sup>-модданинг 4-қисми санкциясидаги «энг кам ойлик иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилди [17];

4. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 21 июлдаги ЎРҚ-629-сон Қонуни билан модданинг биринчи қисми диспозициясидаги «Гиёҳвандлик воситалари» деган сўзлар «Дори препаратлари, гиёҳвандлик воситалари» деган сўзлар билан алмаштирилди [18];

5. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 августдаги ЎРҚ-711-сон Қонуни [19] билан модданинг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилди:

«Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи ёхуд заҳарли моддаларни ўтказиш мақсадида қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, қайта ишлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, худди шунингдек уларни қонунга ҳилоф равишда ўтказиш ёхуд уларни ўтказиш мақсадида тайёрлаш ёхуд қайта ишлаш учун асбоб-ускуналарни тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш, жўнатиш ёки ўтказиш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд бир йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади);

иккинчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилди:

«беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

учинчи қисмининг санкциясида назарда тутилган беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси етти йилдан ўн йилгача этиб белгиланди.

Шунингдек, Жиноят кодексининг саккизинчи бўлими қуйидаги мазмундаги атама билан тўлдирилди:

«Кучли таъсир қилувчи моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомалада бўлишдаги ёки таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситаларини рецепт бўйича чакана реализация қилиш тартибини бузишдаги кўп миқдор – тегишли давлат органи томонидан белгиланади».

Тадқиқ этилаётган нормага киритилган сўнгги ўзгартириш ва қўшимчаларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Дори воситалари ноқонуний айланишининг олдини олиш чораларини кучайтириш тўғрисида” ПҚ-4438-сон қарори асос бўлди [20].

Мазкур қарор билан:

2019 йил 1 декабрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхатига киритилган алоҳида дори воситалари буюм-миқдор жиҳатдан ҳисобга олиниши лозимлиги ва уларнинг чакана реализацияси (берилиши) фақат ижтимоий дорихоналар, шунингдек, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни сақлаш ва реализация қилиш (бериш) фаолиятига лицензияси мавжуд бўлган дорихоналар томонидан амалга оширилиши;

кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхатига киритилган дори воситаларини бериш учун ёзилган рецептлар дорихоналарда бир йил давомида сақланиши;

мулкчилик шакли ва идоравий мансублигидан қатъи назар тиббиёт ташкилотларида беморга рецептли дори воситаларини белгиланган тартибда рецептни расмийлаштирмасдан тайинлаш тақиқланиши.

#### **МУҲОКАМА**

2020 йил 1 январдан бошлаб дори воситалари ва тиббий буюмларнинг реализация (бериш) жараёнини узлуксиз равишда видеога ёзиб олиш ва бир ой давомида видео-ёзувларни сақлаш дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилишдаги

лицензия талаби ҳисобланиши (қишлоқ оилавий поликлиникалари ва қишлоқ врачлик пунктлари ҳудудида жойлашган дорихоналар ва уларнинг филиаллари бундан мустасно), мазкур талабнинг мунтазам равишда (бир йил давомида икки ва ундан ортиқ марта) бузилиши лицензиянинг амал қилишини ўрнатилган тартибда тугатиш учун асос бўлиши белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, қарорда белгиланган вазибалар ижросини таъминлаш ва кучли таъсир қилувчи моддалар муомаласини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш мақсадида 2019 йил 27 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида кучли таъсир қилувчи моддалар муомаласини тартибга солиш тўғрисида”ги 818-сон қарори қабул қилинди [21]. Ушбу қарорнинг:

1-иловаси билан кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхати;

2-иловаси билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази қошидаги Кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни тайёрлаш эксперт гуруҳи таркиби тасдиқланди.

Ушбу қарор билан тасдиқланган кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхатида уларнинг 78 тури ва жиноий ҳаракатни таснифлашда кўп миқдор кўрсаткичлари белгилаб қўйилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 октябрдаги “Саноат ва радиация хавфсизлиги соҳасидаги айрим фаолият турларини лицензиялашни ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 782-сон қарори билан “Портловчи ва заҳарли моддаларни, уларни қўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотларни, шунингдек, портлатиш воситаларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланди.

Мазкур Низомнинг 1-иловаси билан яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш фаолияти лицензияланиши шарт бўлган портловчи ва заҳарли моддалар, уларни қўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотлар, шунингдек, портлатиш воситаларининг рўйхати тасдиқланди. Унга кўра, заҳарли моддалар рўйхатига 11 турдаги моддалар киритилди.

Қонунчиликка бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёхуд психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга ҳилоф равишда муомалага киритиш билан боғлиқ жиноят ишларини кўриб чиқишда суд-тергов амалиётида зиддиятли масалалар келиб чиқаётганлиги сабабли 2021 йил 27 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга ҳилоф равишда муомалага киритиш билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 33-сон қарори қабул қилиниб, бу тоифадаги жиноят ишларини кўриб чиқишда амал қилиниши лозим бўлган тушунтиришлар берилди [22].

#### **ХУЛОСА**

Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларнинг ноқонуний муомаласи аҳоли саломатлигига жиддий хавф туғдириши билан доимий назорат марказида бўлиб келган.



Бу турдаги моддаларнинг қонунга хилоф муомаласи учун турли даврларда ўзига хос жиной тақиб ўрнатилиб, замон ва вазият ўзгариши, бу турдаги жинойтларни содир этишнинг янги усуллари ва моддаларнинг янги турлари пайдо бўлиши натижасида жиной жавобгарлик масалалари ҳам такомиллаштириб борилган.

Ўрганиш ва таҳлил натижаларидан келиб чиққан ҳолда кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларнинг ноқонуний муомаласи учун жиной жавобгарлик белгиланиши ва такомиллаштирилиб борилиши шартли равишда қуйидаги учта босқичларга бўлиш мумкин:

**1-босқич.** Зардуштийлик ақидалари амал қилган даврлар (*VII аср боши – XIX аср охирилари*).

**2-босқич.** Ислом дини пайдо бўлган даврдан Чор Россияси томонидан Марказий Осиё босиб олгунига қадар бўлган давр (*VII аср боши – XIX аср охирилари*).

Бу даврда шариатга кўра инсониятга талофат етказадиган нарсалар савдоси билан шуғулланиш, сотиш ва тарқатишнинг ҳукми уларни тановул қилишдан ҳам оғирроқ қилиб белгиланди. Аллоҳ таоло: “Мол-дунёларингизни ораларингизда ноҳақ – ҳаром йўллар билан емангиз!” (Бақара сураси, 188-оят) деб, инсонга зарар келтирадиган, исроф ва талофат етказадиган ҳаром бўлган ботил ишлар билан топилган молларни емасликни буюрди.

Ўз ўзидан маълумки, кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддалар одам саломатлигига зарар етказди. Шу сабабли, Қуръони Каримда келтирилган оятда аналогик жиҳатдан бундай моддалар истеъмоли ва муомаласи тақиқланди.

**3-босқич.** Туркистон ўлкасида Чор Россиясининг ҳукмронлиги ўрнатилишидан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг парчаланишига қадар бўлган давр (*XIX асрнинг бошлари – XX асрнинг 20-90-йиллари*).

Мазкур босқичнинг ўзини қуйидаги кичик босқичларга бўлиш мумкин:

**а)** дастлабки босқичда квалификациянинг зарурий белгиси сифатида махсус субъект назарда тутилиб, дорихоналар ва ишлаб чиқаришнинг масъул шахси, мураккаб фармацевтик препаратларни тайёрлаш учун мўлжалланган аптека ёки фабрика, лаборатория ёки кимёвий заводнинг алоҳида бўлинмаси бошқарувчиси, хизматчиси, фармацевти, химик ёки ўрганувчиси, кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни ишлаб чиқариш, сақлаш ёки фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс томонидан бу турдаги моддалар билан муомалада бўлиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик назарда тутилди;

**б)** кейинги босқичда кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларни бунга ҳуқуқи бўлмаган шахслар томонидан тайёрлаганлик учун жавобгарлик белгиланди;

**в)** ўрта босқичда жинойт предмети сифатида фақатгина бир турдаги, яъни, кучли таъсир қиладиган заҳарли моддалар назарда тутилиб, объектив томон ҳаракатлари кенгайтирилди. Хусусан, таъкидланган моддаларни махсус рухсатсиз тайёрлашга қўшимча равишда уларни сақлаш, сотиб олиш ва сотиш ҳамда бундай моддаларни ишлаш, сақлаш, бериш, ҳисобга олиш ва ташиш юзасидан белгиланган қоидаларни бузганлик учун жавобгарлик белгиланди;

**г)** сўнги босқичда жинойт предмети сифатида наркотик модда ҳисобланмаган икки турдаги, яъни кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддалар назарда тутилиб, квалификациянинг зарурий белгиси сифатида сотиш мақсади бўлиши лозимлиги

белгиланди. Шунингдек, объектив томон ҳаракатлари кенгайтирилиб, қўшимча равишда ғайриқонуний ташиш ёки жўнатиш, шунингдек сотиб олиш ёки жўнатиш юзасидан белгиланган қоидаларни бузганлик учун жавобгарлик назарда тутилди. Шу билан бирга, норма санкцияси енгиллаштирилди.

Бундан ташқари, кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни талон-торож қилганлик учун жиноий таъқиб ўрнатилиб, норманинг оғирлаштирувчи таркиблари ҳам назарда тутилди.

**4-босқич.** Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси қабул қилинишидан бугунги кунга қадар бўлган давр (1994 йил 22 сентябрдан ҳозирга қадар).

Бу даврда дастлаб кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни фақатгина қонунга хилоф равишда эгаллаганлик учун жавобгарлик белгиланди.

Кейинчалик кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритганлик учун алоҳида нормада жавобгарлик назарда тутилди. Мазкур нормада жиноят предмети ҳисобланган кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддалар нафақат гиёҳвандлик воситалари, балки, психотроп моддалар туркумига киритилмаган бўлишлиги, квалификациянинг зарурий шарти сифатида эса бундай моддаларни ўтказиш мақсади кўзланган бўлиши лозимлиги назарда тутилиб, объектив томон ҳаракатлари 1959 йилдаги Жиноят кодексининг 216-моддасига нисбатан янада кенгайтирилди. Хусусан, қўшимча равишда бу турдаги моддаларни қайта ишлаш, олиш ёки уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш, шунингдек шундай моддаларни олиш қоидаларни бузганлик учун, агар бу эҳтиётсизлик орқасида уларнинг ўғирланишига ёки бошқа тарзда жиддий зарар етказилишига олиб келганлиги учун жавобгарлик белгиланди.

Бундан ташқари, нормада жиноятнинг оғирлаштирувчи таркиби ва жиноят предметининг миқдор кўрсаткичлари ҳам назарда тутилди.

Шу билан бирга, тадқиқ этилаётган норма жазо тури ва миқдорини кўпайтириш, жиноят предмети ва объектив томон ҳаракатларига қўшимчалар киритиш нуқтаи назаридан такомиллаштирилди.

## REFERENCES

1. Ҳ. Бобоев. “Авесто”да жиноят ва жазо масалалари. Электрон манба. Кириш йўли: <https://proacademy.uz/postfiles/sets/eu/tt/index.html>. (мурожаат санаси: 09.08.2022).
2. Тамакининг ухровий ва дунёвий зарарлари. Электрон манба. Кириш йўли: <https://islom.uz/maqola/1358> (мурожаат санаси: 15.06.2022).
3. Гиёҳвандлик тўрига илинманг. Электрон манба. Кириш йўли: <https://www.bukhari.uz/?p=5568> (мурожаат санаси: 15.06.2022).
4. Ислам о преступлении и наказании. Электронный ресурс. Режим доступа: <https://publications.hse.ru/pubs/share/folder/61qo5hacx5/95813109.pdf> (Дата обращения: 17.06.2022).
5. Чингизхан. Имперская идея. Электронный ресурс. Режим доступа: <https://flibusta.site/b/459257/read> (Дата обращения: 15.06.2022).
6. Ўғиллар, набиралар, қавм-қариндошлар, амирлар ва вазирларни жазолаш йўли билан салтанатда интизом сақлаш ҳақида тузук. Электрон манба. Кириш йўли: <http://www.temurtuzuklari.uz/uz/clause/42> (мурожаат санаси: 15.06.2022).
7. Уголовное уложение. Электронный ресурс. Режим доступа: [https://upload.wikimedia.org/wikipedia/commons/d/d0/Code\\_of\\_criminal\\_law\\_of\\_Russia%2C\\_1903.pdf?uselang=ru](https://upload.wikimedia.org/wikipedia/commons/d/d0/Code_of_criminal_law_of_Russia%2C_1903.pdf?uselang=ru) (Дата обращения: 17.06.2022).
8. Постановление НКЮ. Руководящие начала по уголовному праву РСФСР от 12.12.1919 г. Электронный ресурс. Режим доступа: <http://museumreforms.ru/node/13751> (Дата обращения: 17.06.2022).
9. Уголовный кодекс РСФСР 1922 г. Электронный ресурс. Режим доступа: [https://nnov.hse.ru/ba/law/igpr/sov\\_gos/ugkod\\_22](https://nnov.hse.ru/ba/law/igpr/sov_gos/ugkod_22) (Дата обращения: 18.06.2022).
10. Шмелева Е.Г. Ответственность за незаконный оборот сильнодействующих и ядовитых веществ. Электронный ресурс. Режим доступа: <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=11781896> (Дата обращения: 18.06.2022).
11. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Жиноят кодекси. – Т.: ЎзССР Министрлар совети ишлар мудирлигининг босмаҳонаси, 1930. Б. 108.
12. Уголовный кодекс Узбекской ССР: С изм. и доп. на 1 окт 1988 г. / сост. Г. Абдумаджидов. – Т.: Узбекистан, 1988. С. 157-158.
13. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-671-П-сон Қонуни. Электрон манба. Кириш йўли: <https://lex.uz/docs/111453?ONDATE=29.09.2004> (мурожаат санаси: 18.06.2022).
14. Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 10 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-389-сон Қонуни. Электрон манба. Кириш йўли: <https://lex.uz/docs/2717325> (мурожаат санаси: 18.06.2022).
15. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-503-сон Қонуни. Электрон манба. Кириш йўли: <https://lex.uz/ru/docs/4011752> (мурожаат санаси: 18.06.2022).

16. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 3 декабрдаги “Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартиби такомиллаштирилганлиги муносабати билан ўзбекистон республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-586-сон Қонуни. Электрон манба. Кириш йўли: <https://lex.uz/docs/4625125> (мурожаат санаси: 18.06.2022).
17. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 21 июлдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-629-сон Қонуни. Электрон манба. Кириш йўли: <https://lex.uz/docs/4905547> (мурожаат санаси: 18.06.2022).
18. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-711-сон Қонуни. Электрон манба. Кириш йўли: <https://lex.uz/uz/docs/5601201?ONDATE=26.08.2021%2000> (мурожаат санаси: 18.06.2022).
19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Дори воситалари ноқонуний айланишининг олдини олиш чораларини кучайтириш тўғрисида”ги ПҚ-4438-сон қарори. Электрон манба. Кириш йўли: <https://lex.uz/docs/4501278> (мурожаат санаси: 18.06.2022).
20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кучли таъсир қилувчи моддалар муомаласини тартибга солиш тўғрисида”ги 818-сон қарори. Электрон манба. Кириш йўли: <https://lex.uz/docs/4532164> (мурожаат санаси: 18.06.2022).
21. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2021 йил 27 ноябрдаги “Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга ҳилоф равишда муомалага киритиш билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 33-сон қарори. Электрон манба. Кириш йўли: <https://lex.uz/docs/5809125> (мурожаат санаси: 18.06.2022).